



Journal of Natural Sciences

Nº2
(2021)

<http://www/natscience.jspi.uz>



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Бош мухаррир –

У.О.Худанов
т.ф.н., доц.

**Бош мухаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова,
PhD, доц.**

Масъул котиб-

Д.К.Мурадова

**Муассис-Жиззах давлат педагогика
институти**

Журнал 4 марта чикарилади
(ҳар чоракда)

Журналда чоп этилган маълумотлар
аниқлиги ва тӯғрилиги учун муаллифлар
масъул

Журналдан кўчишиб босилганда манбаа
аниқ кўрсатилиши шарт

ТАХРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ

1. Худанов У – Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.
2. Кодиров Т- к.ф.д, профессор
3. Абдурахмонов Э – к.ф.д., профессор
4. Султонов М-к.ф.д, доц
5. Рахмонкулов У-б.ф.д., проф.
6. Хакимов К –г.ф.н., доц.
7. Азимова Д- б.ф.н.
8. Мавлонов Х- б.ф.д., доц
9. Юнусова Зебо – к.ф.н., доц.
10. Гудалов М- фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)
11. Мухаммедов О- г.ф.н., доц
12. Хамраева Н- фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)
13. Рашидова К- фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц
14. Мурадова Д- фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Sciences-электрон журнали

[/http://www/natscience.jspi.uz](http://www/natscience.jspi.uz)

ҒҮБДИН ТОҒИДА ЧҮЛЛАНИШ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ИНДИКАТОРЛАР

PhD, Адилова Озода Амоновна, талаба-Кудратов Жўрабек

Жиззах давлат педагогика институти

География ва иқтисодий билим асослари кафедраси

Аннотация: Мақолада чўлланиш белгиларини аниқлайдиган индикаторлар тўғрисида олимлар ишлари ва Ғўбдин тоғида чўлланиш жараёнини ривожлантирувчи индикаторлар таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: индикатор, деградация, динамика, петрографик, арид, физик нураш, экспозиция, кристал сланец, фракция.

Аннотации. В статье анализируется работа ученых над индикаторами, определяющими признаки опустынивания, и индикаторами, развивающими процесс опустынивания в Гобдинских горах.

Ключевые слова: Индикатор, деградация, динамика, петрографическая, аридная, физическая эрозия, обнажение, кристаллический сланец, фракция.

Abstract: The article analyzes the work of scientists on the indicators that determine the signs of desertification and the indicators that develop the process of desertification in the Gobdin Mountains.

Key words: Indicator, degradation, dynamics, petrographic, arid, physical erosion, exposure, crystalline shale, fraction.

Кириш. Бугунги кунда чўлланиш жараёни ва унинг ривожланишини минтақалар, худудлар бўйича ўрганиш ҳамда уларнинг сабаб ва оқибатларини илмий жиҳатдан асослаб бериш бугунги куннинг глобал муаммолардан бири хисобланади. Чўлланиш мураккаб жараён бўлиб, унинг аниқ мезонлари текисликлар, тоғ ва тоғ олди худудлари учун алоҳида аниқ бир тажриба асосида ишлаб чиқилмаган. Айни вақтда ҳам чўлланиш табиатдаги инқирознинг қайси ҳолатидан бошланиши аниқ айтилмаган. Жумладан, Ўрта Осиё тоғларида аҳоли зич яшайдиган қишлоқларга яқин худудларда дарахт ва буталарнинг қирқиб юборилганлигига бир неча юз йилдан ошди, лекин табиий ўт қоплами дастлабки ҳолда сақланиб қолган ерлар кўп. Ушбу дарахт ҳамда йирик бутасимон ўсимликларнинг қирқиб юборилиши ҳам шу жой тупроқларининг ювилиши ер ости сувлари микдорига маълум даражада таъсир кўрсатган. Аммо бу ҳали чўлланиш даражасига етмаган табиат инқирози, лекин дастлабки ҳолатга нисбатан ўзгарган қашшоқлашиб бораётган ушбу жараён чўлланишнинг илк ўчоғи хисобланади.

Индикатор – чўлланиш белгиларини аниқлайдиган восита бўлиб, бу метод Н.Т.Нечаева, А.Г.Бабаев, Б.В.Виноградов, И.С.Зонн ва бошқаларнинг ишларида берилган. А.Г.Бабаевнинг ёзишича, индикаторлар орқали чўлланиш жараёнининг бошланишини олдиндан аниқлаш мумкин.

Б.В.Виноградов чўлланишни аниқлайдиган индикаторларни икки гурӯҳга бўлади: динамик (сукцессияли) ва статистик. Чўлланишнинг динамик индикаторларида турли вақтларда олинган маълумотларга асосланилади ва унда чўлланиш йўналиши ва жадаллиги таҳлил қилинади. Статистик индикаторларнинг камчилиги – рўй бераётган жараёнларни маълум вақт давомида миқдорий таққослашнинг иложи бўлмайди.

Н.Т.Нечаева яйловлар деградациясини ишлаб чиқища ҳамда чўлланишни баҳолашда физик, биологик ва социал жараёнлар ҳисобга олиниши кераклигини таъкидлайди. Яйлов деградациясида физик омиллардан тупроқ юзасининг ҳолатини ўрганишнинг аҳамияти катталигини кўрсатади. Чунки тупроқ юзасининг қаттиқлиги, ғоваклиги ўсимликлар уруғларининг қайта ўсиб чиқиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Биологик индикатор ўсимлик қопламишнинг қалинлиги, тарқалиши, таркиби, ўсимлик массасининг миқдорий кўрсаткичлари ҳисобланади. Ўсимликлардан индикатор сифатида алоҳида турлар ва уларнинг популяцияси инобатга олиниши мумкин. Масалан, тоғ ландшафтларида қишлоқлар атрофларида яхши озуқабоп ўсимликлар камайиб, яшил ҳолатда чорва моллари емайдиган турлар (қилтиқ, арпаған, сарик тикан, қўзиқулок) кўпайган.

Асосий қисм. Fўbdin тоғи Нурота тоғлари тизимиға киради, Помир-Олой тоғларининг ғарбida жойлашган Туркистон тизмасининг ғарбий тоғ массивларидан бири ҳисобланади. У жанубда Зарафшон водийси, шимолдан Галлаорол-Кўшработ ботиги билан, ғарбда Куруқсой орқали Қорачатоғ билан чегараланган, шарқда Сангзор водийси орқали Чумқортоғ ва Молгузар тоғларидан ажралиб туради. Маъмурий жихатдан Fўbdin тоғининг жанубий ёнбағирлари Самарқанд вилоятининг Булунғур туманига, шимолий ёнбағирлари Жиззах вилоятининг Галлаорол туманига қарайди.

Fўbdin тоғи ҳам кейинги ўн йилликларда чўлланиш жараёни қучайиб бораётган тоғли ўлкалардан бири ҳисобланади. Fўbdin тоғида чўлланмаган худудлар деярли қолмаган. Чунки тоғнинг ҳамма ҳудудларидан яйлов сифатида фойдаланилади, дарахт ва буталар қирқиб юборилган, уларнинг ўрнини бодомча ва бошқа ксерофит буталар эгаллаган. Факат тоғнинг баланд тик қояли жойларида қўй, эчкилар кам бокиладиган ерларда табиий ўсимликлар яхши сақланган. Шу жойларда ўсган арча, дўлана, учқат, тол,

тераклар қурилиш материаллари ҳамда ўтин учун қирқиб юборилган. Бундай тик қояли, бориш қийин бўлган жойлар Fўбдин тоғида кичик участкалар кўринишидагина қолган. А.А.Рафиқов чўлланишнинг муҳим индикаторларини тўққизта гурухга бўлади. Бунда қумли, гилли чўл ландшафтлари, воҳа ландшафтлари ва бошқа чўл-воҳа ландшафтлари инобатга олиниб, улардаги чўлланиш индикаторлари қисқа изоҳланган. Биз улардан Fўбдин тоғи ландшафтларига тўғри келадиган индикаторларни олдик ва жой шароитига қараб баъзи ўзгартиришларни киритдик. Улар қуидагилар:

1) рельеф шакли: қир тепалари, ёнбағирларнинг жанубий экспозицияси, шамол ҳамда қуёш энергияси қучли таъсир кўрсатадиган рельеф элементлари бўлиб, антропоген таъсир туфайли тез ўзгарувчан хусусиятларга эга;

2) тоғларда тоғ жинсларининг литологик – петрографик тузилиши арид иқлим шароитда нураш ҳаракатларининг жадаллигини белгилайди ҳамда антропоген таъсир туфайли уларда чўлланиш ўзига хослиги билан фарқ қиласди.

Fўбдин тоғи асосан кристалл сланецлардан, қумтошлардан тузилганлиги туфайли буларда нураш туфайли ҳосил бўладиган материаллар бир-бирдан фарқ қиласди. Физик нураш туфайли қумтошдан асосан ўртача фракциядаги қумлар ҳосил бўлиб, улар шамол ҳамда сув эрозияси туфайли пастликларга тез олиб тушилади, шу сабабли сланецли жинсли ётқизикларга нисбатан қум тошли ётқизиклар устида инсон таъсирида чўлланиш жадалроқ боради. Буни биз Ингичкасой ҳавзаси мисолида кўрдик;

3) тоғларда тоғ ёнбағирларининг турли экспозицияларида тупроқ ҳосил бўлиши ва қалинлиги фарқ қиласди, бу айниқса, шимолий ҳамда жанубий экспозицияларда тупроқлар ювилиши ўсимлик қопламишининг сийраклиги чўлланиш жадаллигини, кўламини оширувчи омил ҳисобланади;

4) ўсимлик қоплами ҳам тоғларда рельеф элементларига боғлиқ ҳолда қир тепаларида, ёнбағирларнинг жанубий экспозицияларида сийрак тарқалган ксерофит турлар кўп. Улар иқлим қуруқлашиши ва инсон фаолияти таъсирида тез сийраклашади, натижада чорва моллари емайдиган турлар билан алмашинади;

5) яловларда чўлланиш индикатори сифатида табиий озуқабоп ўсимликларнинг ўрнини чорва моллари истеъмол қилмайдиган турларнинг кўпайиши, ўсимликлар қопламишининг сийраклашиши, ўсимликлар турларининг камбагаллашиши, чорва моллари юришидан ҳосил бўлган йўлаклар зичлиги, тупроқларда эрозион шаклларнинг ошиши, бевосита ялов сифимига нисбатан чорва молларининг кўп боқилиши билан боғлиқ бўлиб, улар қишлоқлардан узоқлашган сари ўзгаради. Масалан, Fўбдин тоғида

Эшмонтүп ва Тумшук қишлоқлари атрофларида қишлоқقا 1000 метр масофадаги радиусда қир ёнбағирларида чорва моллари кам истеъмол қиласынан қылтиқ, арпағон, сариқ тикан, сачратқи, күп йилликлардан қўзиқулоқ, янтоқ, трагакантлар учрайди, улар чўлланишнинг асосий индикаторлари ҳисобланади. Шу билан бирга, Ўбдин тоғидаги қишлоқлар яқинида, дараҳт ва буталарнинг умуман йўқлиги ҳам чўлланишни кўрсатувчи белги (индикатор) ҳисобланади.

Хуноса: Ўбдин тоғида чўлланиш жараёнининг ривожланишида тоғнинг рельеф хусусияти, тоғ жинсларининг литологик тузилиши ва инсон фаолияти билан боғлиқ ҳолда чорва моллар сонининг ортиши, бевосита ўсимлик қопламишнинг сийраклашиши ҳамда озукабоп ўсимлик турларининг йўқолиб кетишига олиб келди.

Адабиётлар:

1. Адилова О.А. Ўбдин тоғидаги чўлланиш жараёнини баҳолашдаги асосий методологик ёндашувлар. Тафаккур зиёси. Жиззах. 4-сон 2019 йил. 86-88 бет
1. Нечаева Н.Т. Проблемы разработки индикаторов опустынивания// Проблемы освоения пустынь. Ашхабад, 1978. №4.
2. Рафиков А.А. Картографирование опустынивания// Опустынивание в Узбекистане и борьба с ним. -Т., 1988, -С.77-113.
3. Харин Н.Г., Нечаева Н.Т и др. Методические основы изучения картографирования процессов опустынивания (На примере аридных территорий Туркменистана)// Ашхабад: Ильим, 1983, 92 с.